
ЭЛЕКТР, ИССИҚЛИК, ГАЗ ЁКИ ВОДОПРОВОДДАН ТИЖОРАТ МАҚСАДЛАРИДА НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ ЎҒРИЛИК ДЕБ БЕЛГИЛАНДИ

Электр, иссиқлик, газ ёки водопроводдан тижорат мақсадларида ноқонуний фойдаланиш ўғрилиқ деб белгиланди

3.03.2023 санадаги 822-сонли Ўзбекистон республикаси қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра:

умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш йўли билан талон-торож қилиш ўғрилиқ деб белгиланди ҳамда мазкур ҳуқуқбузарлик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчага кўра, ушбу ҳуқуқбузарликни оз миқдорда содир этган шахсларга қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача (3 млн сўмдан 6 млн сўмгача) миқдорда жарима ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш.

М. Қодиралиев - Риштон туман адлия бўлими бошлиғи

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-05-29 18:51:27